

يذمرت لاه اور. «بُ قَزْرَتَ كَلَعَل» لاقف، ملسو وهيلع هلال لى لص يبن ل ل هأخأ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам замоналарида икки ака-ука бўлиб, улардан бири Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келар эди. Иккинчиси эса, касб қилар эди. Касб қилувчи иниси ҳаққида Набий соллаллоху алайҳи васалламга шикоят қилди. Шунда у зот: “Балки, сен у сабабли ризқланилётгандирсан” дедилар” (Термизий ривояти).

Чунки бу ишлар мусулмон тожир учун ҳақиқий ва энг асосий манфаат, яъни жаҳаннам оловидан қутулиш учун имконият ҳисобланади. Зеро, ҳадиси шарифда шундай дейилади:

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَل لَيْلِي بِن لِي ت لاقُ هُنَّ لَل لِي صَر ي ر د خ ل ل د ي ع س ي ب ا ن ع
ن م ه ل ك ر ت ل ه ل ا ق م ع ن ا و ل ا ق ؟ ن ي د م ك ب ح ا ص ي ل ع ل ه ل ا ق ف ا ه ي ل ع ي ل ص ي ل ة ز ا ن ج ب
ا ي ه ن ي د ي ل ع ب ل ا ط ي ب ا ن ب ا ي ل ع ل ا ق م ك ب ح ا ص ي ل ع ا و ل ص ل ا ق ا ل ا و ل ا ق ؟ ا ف و
ه ل ل ا ك ف ل ا ق و ه ا ن ع م ة ي ا و ر ي ف و ه ي ل ع ي ل ص ف م د ق ت ف ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر
ن ع ي ض ق ي م ل س م د ب ع ن م س ي ل م ل س م ل م ك ي خ ا ن ا ه ر ت ك ك ف ا م ك ر ا ن ل ا ن م م ك ن ا ه ر
ة م ا ي ق ل ا م و ي ه ن ا ه ر ه ل ل ا ك ف ا ل ه ن ي د ه ي خ ا

Абу Саъид Худрий розияллоху анху айтади:

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига жаноза ўқишлари учун бир маййитни олиб келинди. Шунда У зот: «Дўстингизни зиммасида қарзи борми?» дедилар. Улар: «Ҳа», дейишди. У зот: «У учун тўланадиган бирор нарса қолдирганми?» дедилар. Улар: «Йўқ», дейишди. У зот: «Дўстингизга жаноза ўқинглар», дедилар. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху: «Эй, Аллоҳнинг расули уни қарзи менинг зиммамга», деди. Шундан у зот олдинга ўтиб, унга жаноза ўқидилар».

Бошқа бир ривоятда қуйидаги қўшимчалар ҳам бор. Унинг маъноси:

«У зот (Али розияллоху анхуга): «Сен мусулмон биродарингни (қарзини адо қилиш орқали) гарданини озод қилганинг каби Аллоҳ таоло ҳам дўзахдан гарданингни озод қилсин. (Шуни ёдда тутингларки,) қайси мусулмон ўз мусулмон биродарининг қарзини адо қилса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг гарданини озод қилади» дедилар.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху айтадилар:

«Абу Бакрнинг вақтида одамлар қаҳатчиликка учрадилар. Халифа уларга:

«Иншааллоҳ, эртага кечқурунгача Аллоҳнинг кушойиши келиб қолар», деди.

Эртасига тонг чоғи Усмоннинг карвони етиб келди.

Тожирлар дарҳол унинг олдига етиб келдилар. У ридосининг пешларини елкасига ташлаб олган ҳолда чиқди. Тожирлар карвонда келган молни улгуржи савдо қилиб, уларга сотишини сўрашди.

«Қанча фойда берасизлар?» деди Усмон.

«Ўнтага ўн иккита», дедилар.

«Бундан кўп берадиган бор», деди Усмон.

«Ўнтага ўн бешта», дедилар.

«Бундан кўп берадиган бор», деди Усмон.

«Сенга бундан кўп берадиган ким эди? Мадинанинг тожирлари биз бўлсак!» дедилар.

«У Аллоҳдир. У Зот менга ҳар дирҳамга ўн баробар зиёда беришни ваъда қилди. Сизлар ундан кўп бера оласизларми?» деди.

Тожирлар қайтиб кетдилар. У эса:

«Эй бор Худоё! Буларнинг ҳаммасини Мадинанинг камбағалларига эҳсон қилдим. Нарх ҳам йўқ. Ҳисоб ҳам йўқ!» деб нидо қилди» (Ҳадис ва ҳаёт).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ИККИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон асло ўз тижоратини ризқ берувчи, неъмат берувчи деб ўйлаб қолмаслиги керак. У «Аласту» аҳди, яъни «Ризқ берувчи ҳам, Парвардигор ҳам ёлғиз Аллоҳ таолодир» деган ақийдада бўлиши лозим.

«Аласту аҳди» – бу Аллоҳ таоло руҳлар оламида барча Одам фарзандига қарата: «Аласту би Роббикум?» («Мен сизларнинг Парвардигорингиз, ризқингизни берувчингиз эмасманми?») деганида, улар «Бала» («Сенгина Парвардигоримиз, ризқимизни берувчимизсан»), деганларидир.

Бандага бериладиган неъмат унинг бу неъматларга ҳақли, лойиқ бўлгани учун эмас. Балки банданинг тижорат йўлини тутиши ризқ борасида бир

Расулуллоҳ суннатларига эргашган;

Фарзи айнга амал қилган;

Аллоҳдан қўрқиб ҳаромдан сақланишга уринган;

Бошқанинг ўзи устидаги мажбуриятига риоя қилгани ва уларнинг ҳақларини ботил йўл билан емаган;

Ўз ҳаққини сақлаган;

Аллоҳга таваккул қилган;

Оиласини ўзгаларга қўл чўзишдан сақлаган бўлади.

Албатта, бу савобларнинг барчасига тижорат илмини пухта билган мусулмон савдогарлар дохилдирлар.

Азалдан ота-боболаримиз бомдод намозидан сўнг тиловати Қуръонга машғул бўлганлар. Нонушта қилгач, Аллоҳнинг фазлини сўраб, таваккул қилиб, бозорга, савдо дўконларига ҳололдан ризқ топишга отланганлар. Қуёш ботгунча савдолари билан шуғулланиб, кечки таомни еганларидан кейин илм талабида бўлганлар. Фарзи айн бўлган илмлар тугул фарзи кифоя, ҳаттоки фазилатга тааллуқли илмларни ҳам эгаллашга ҳарис бўлганлар.

Аллома Ибн Абдулбарр ўз санади билан Ғолиб Қаттон роҳматуллоҳи алайҳнинг бир воқеасини ҳикоя қилиб келтиради. Бундан уларнинг қанчалик илмга муҳаббатлик ва илм талабида кўплаб машаққат чеккани, сабр қилганини, қолаверса ҳар бир ҳадис ва масала нақадар қийинчилик билан бизгача етиб келганини билсак бўлади.

Ғолиб Қаттон роҳматуллоҳи алайҳ пахта савдоси билан шуғулланар эди. Бир бор тажорат юзасидан Куфага сафар қилди. Бу сафардан мақсад фақатгина тижорат эди. Лекин Куфага етиб келганида у ердаги ҳадис уламоларини кўриб, ҳазина топгандек хурсанд бўлиб кетди ва дарҳол улардан ҳадис эшитиб, фойда олишга киришди. Ўша пайтларда Машҳур муҳаддис Сулаймон Аъмаш ҳадисдан дарс айтар эди. Ғолиб Қаттон раҳматуллоҳи алайҳ унинг дарсларига қатнай бошлади. Тез орада кўплаб ҳадисларни олди.

Тижорат ишлари ниҳоясига етгач, ўз юрти Басрага кетиш олдидан устози Аъмаш роҳматуллоҳи алайҳ ҳузурига келди ва кечаси устозининг ҳузурига

кишини келтирилади. Шунда Аллоҳ таоло: "Бандам Мен билан аҳдлашди ва Мен аҳдга вафо қилишга энг ҳақли Зотман. Бандамни Жаннатга киргизинглар", дейди", дедилар" (Жамиъу баянил илми ва фазлиҳи).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ БЕШИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар ҳалолдан еб, ҳаромдан сақланмоғи керак. Ислом ҳам ҳалолдан ейишга ҳукм қилган ва унга доир бир қанча фазилатларни келтирган ҳамда ҳаромдан касб қилишга қаттиқ ваъидларни баён қилган. Қуйида шунга доир ҳадисларни кўриб чиқамиз.

إنّ مَلْسُو هَلَلِ يَلْعَل لَوْ سَرَّ لِقَاقٍ " : لِقَاقٍ هَنْعَ هَلَلِ يَضْرُوقِ رِيَّ أَبْنَعِ
هَبْرَمَ أَمْبَنِي مَوْمَلَا رَمَ هَلَلِ نِإِوْ، أَبِي طَالِ لِبْقِي الْبِي طَالِ لِعَاتِ هَلَلِ
لِقَاقٍ وَ (أَحْلَاصِ أَوْلَمَعَاوَاتِ بِي طَالِ أَنْ مِ أَوْلُكُ لُسْرُ لَأَهْيَا أَي) : لِعَاتِ لِقَاقٍ ، نِي لِسْرَمَلِ
لِي طِي لَجْرَلَارِكْ ذَمَثُ (مُكْ أَنْ قَرَّرَ أَمْرَاتِ بِي طَالِ نِمِ أَوْلُكُ أَوْلَمَ آ نِي دَلَا أَهْيَا أَي) : لِعَاتِ
مَارْحَ هَمْعَطَمُو ، بَرَّ أَي بَرَّ أَي مَسَلَا لِي هِي دِي دَمِي ، رِبْغُ أَشْرَافِ سَلَا
" مَلْسَمِ هَاوَر " هَلْ بَاجَتِ سِي يَنْ أَفْ ، مَارْحَلَابِ يَدْغُو ، مَارْحَ هَسْبَلَمُو ، مَارْحَ هَبْرَشَمُو

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ таоло камчилик ва нуқсонлардан пок зотдир. Шаръий айб, ниятдаги фасодликлардан пок бўлган садақа ва амалларни қабул қилади. Аллоҳ таоло мўминларни Расулларига буюрган нарсага буюриб:

“Эй Расуллар, покиза нарсалардан энглар ва солиҳ амалларни қилинглари”, деди. Ва яна бошқа бир ўринда

“Эй иймон келтирганлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсамиздан фақат покизаларини энглар”, деб марҳамат қилди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мисол келтириб, бир кишининг ҳолатини зикр қилдилар. У киши узоқ сафар қилади. Сочлари тўзғиган, чангга буланган, ҳолда икки қўлини осмонга кўтариб, “Эй Роббим, Эй Роббим”, деб дуо қилади. Ҳолбуки, уни егани ҳам, ичгани ҳам, кийгани ҳам ҳаром эди. У ҳаромдан озикланган бўлса, қандай қилиб унинг дуоси қабул бўлсин”, дедилар” (Муслим ривояти).

أَلَامُ دَبْعَ بَسْتِكِي ال : لِقَاقٍ - مَلْسُو هَلَلِ يَلْعَل لَوْ سَرَّ لِقَاقٍ - يَبْنَلَا نَعِ ، دَوْعَسَمِ نَبَا نَعِ
الو ، هَنْعَ لِبْقَتِي فِ ، هَبُّ قُدْصَتِي الو ، هِي فِ هَلْ كَرَابُي فِ ، هَنْعَ قَفْنُي فِ ، مَارْحَ نِم

، ءىسىلاب ءىسىلا وحمى ال هللانى ، رانلا ىلإءاداز ناك الإ هرهظَفلخ هكرتى
ثَبَّخْلاوحمى الَثَبَّخْلاانى ، ن سحلابَءىسىلا وحمى نكلو

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

“Кимки ҳаром мол топиб, ундан садақаи хойрот қилса, ундан қабул қилинмас. Ундан бирор нарсага инфоқ қилса, унга барака ҳам берилмас, у молни ортидан қолдириб кетса, уни дўзахга олиб борувчи зоди роҳиласи бўлади. Аллоҳ таоло ёмонликни ёмонлик билан кетказмайди. Балки ёмонликни яхшилик билан кетказди. Нопок нарса нопок нарсани покламайди”, дедилар” (Аҳмад ривояти).

لخدى ال ملسو هيلع هلل ىلصه لىل لؤسّر لاق لاق ؤنّع ؤلل ىضّر رباج نع
ه ب ىلوا رانلا تنك تحسلا نم تب ن محل لك و تحسلا نم تب ن محل ؤنجل

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

“Ҳаромдан озуқаланган гўшт асло жаннатга кирмайди ва ҳар бир ҳаромдан озуқаланган гўшт дўзахнинг ўтига лойиқдир”, дедилар” (Аҳмад ривояти).

ملسو هيلع هلل ىلص ىبنل لتعمس : لاق هنع هلل ىضّر قىصل ركب ىبأ نع
مارحب ىذغ دسج ؤنجل لخدال : لوقى

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг:

“Ҳаромдан озуқаланган жасад жаннатга кирмайди”, деяётганларини эшитганман” (Байҳақий ривояти).

ناك و جارخ لل هل جرخى مالغ ركب ىبأ ناك تللق اهنع ىلعات هلل ىضّر ؤشئاع نع
مالغ لل هل لاقف ركب وبأ هنم لكأف ءىشب اموى ءاجف هجارخ نم لكأىركب وبأ
امو ؤىلهال ىف ناسنل تنهكت تنك لاق وه اموركب وبأ لاقف اذه ام ىردت
هنم تللكأ ىذلا اذهف لكذب ىن اطعأف ىن ىقلف هتع دىنأ الإ ؤناهكلا نسحأ
هنطب ىف ءىش لك ءاقف هدى ركب وبأ لخدأف

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг бир қули бўлиб, топганидан маълум бир ҳиссасини Абу Бакр розияллоҳу анҳуга бериб турар эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу у келтирган нарсадан ер эди. Бир куни у бир нарса келтириб, Абу Бакр ундан еди. Шунда қули унга: “Буни нималигини биласизми?”, деди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу: “Нима экан?”, деди. Қул: “Жоҳилият даврида бир кишига фолбинлик қилар эдим. Уни жуда яхши эплэй олмасамда, яхши алдар эдим. Алданган киши менга шуни берган эди. Сиз еган нарса ўша нарсадан эди, деди.

Абу Бакр оғзига қўлини тиқиб қорнидаги барча нарсани қайд қилиб юборди” (Бухорий ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ОЛТИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар шубҳали нарсалардан ҳам сақланиши лозим. Чунки шубҳалардан сақланувчининг дини ва иззати омонда бўлади.

إن : لوقی ملسو و هیلع هللا یلص هللا لوسر تعمس : لاق ریشب نب نامعنل ن ع نمف ، سانل نم ریثک نهملعی ال تاهب تشم امه نیبو نیب مارحل او نیب لالحل یف ع قو تاهب شل یف ع قو نمو ، هضرع وه نیدل أربتسا دق تاهب شل یقتا ال ، یمح کلم لکل نإو ال، هیف عقی نأ ک شوی یمحل لوح یعری یعارلک ، مارحل اذإو هلک دسجل احلص تحلص اذإة غضم دسجل یف نإو ال ، همراح هللا یمح نإو ب لقلل یهو ال هلک دسجل دس ف ت دس ف

Нўъмон ибн Баширдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳалол ҳам аниқ, ҳаром ҳам аниқ, ўртасида шубҳали нарсалар бор. Одамлардан кўпчилиги уни билмайди. Ким шубҳалардан сақланса, динини ва обрўсини покиза сақлабди. Ким шубҳаларга мубтало бўлса, ҳаромга мубтало бўлиб қолади. Унинг мисоли, ўтлаб қўйиши мумкин бўлган, ман қилинган жойда чорва боққувчи чўпонга ўхшайди. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшоҳнинг ўтлаш ман қилинган жойи бордир. Аллоҳ таолонинг ўтлашни ман қилган жойи Унинг ҳаромларидир.

Огоҳ бўлинг, инсоннинг жасадида бир парча гўшт бўлиб, қачон у саломат бўлса, жисмнинг барча қисми саломат бўлади. Қачон у айниб, фасодга учраса, жисмнинг ҳаммаси фасодга учрайди. Огоҳ бўлинг у қалбдир” дедилар”.

Мусулмон савдогар шубҳали муомалалардан сақланиши керак. Шундагина муттақий ва парҳезгорларнинг сафида бўлади.

هه لعل هلل ىلص هلل لوسر لاق : لاق ىبنل باحصأ ن من ناك ، ىدعسل اة طع ن ع
امل اردح هب س أب ال ام عدي ىتح نىقتمل ن من نو كى نأ دبعل لغل بى ال « : ملس و
س أب ال هب

Атийятус Саъдий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Банда то зарарли нарсадан сақланиш учун зарарни эҳтимоли бор нарсадан сақланмагунича тақводорлар даражасига ета олмайди” деганлар” (Термизий ва Ибн Можа ривояти).

АБУ ҲАНИЙФА РОҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ ДИЁНАТИ ВА ПАРҲЕЗКОРЛИГИ ҲАҚИДА ВОҚЕА

Бир бор Абу Ҳанийфа роҳматуллоҳи алайҳнинг шогирди у кишининг йўқлигида Мадина шаҳридан келган кишига 400 дирҳамлик қалин кийимни 1000 дирҳам эвазига сотиб юборди. Абу Ҳанийфа роҳматуллоҳи алайҳ бу ишдан хабар топгач, шогирдини қаттиқ койиди ва уни дўконда иш юритишдан четлатди. Харидорни ташқи кўринишини билиб олиб, уни суриштиргач, Мадина шаҳридан уни қидириб топди ва олмаслигига қўймасдан 600 дирҳамни унга қайтариб берди. Сўнг Куфага қайтди.

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЕТТИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар ҳийлакорлик билан мол топмаслиги керак. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳийла қилувчиларни дуоибад қилганлар.

تَمَّحٌ ، دوهي لال لال لاق لاق ملس و هه لعل هلل لوسر نأ رمع ن ع
اهوع ابف اهول م جف ، موح ش ل ا م هه ل ع

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ таоло яҳудийларни ҳалок қилсин. Уларга чорва молларнинг чарви ёғлари ҳаром қилинган эди. Улар эса уни эритиб (чарвилиқ ҳолатидан чиқариб), сотдилар” дедилар” (Икки шайх ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг;

**“Қасам ичиш фойда келтирсада, баракани ўчирувчидир”,
деяётганларини эшитганман”** (Бухорий ва Муслим ривояти).

مكاي ا م لسو وه يلع هلل اى لص هلل ل ل و س ر ل ا ق ل ا ق ؤ ن ع ؤ ل ل ا ي ص ر ة د ا ت ق ي ب ا ن ع
ق ح م ي م ث ق ف ن ي ه ن ا ف ع ي ب ل ا ي ف ف ل ح ل ا ة ر ث ك و

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Савдода кўп қасам ичишдан сақланинглар. Зеро у фойда келтириб
кейин баракани ўчиради” дедилар”** (Муслим ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎНИНЧИ СИФАТИ

Муслмон савдогар ҳоҳ бой киши билан, ҳоҳ камбағал билан савдо қилсин хуш хулқли бўлиб, ҳаққини кечиктиришга муҳлат сўраганга муддат бера оладиган, камбағал одам билан олди-берди қилган бўлсаю, тўловини бажара олмаса ёки келгусида ҳам тўлаш имконияти йўқлигини билса, қарзни ҳаммасини ёки маълум бир қисмини кечиб юбора оладиган бўлиши лозим. Чунки савдогарнинг бу иши унга садақа қилганнинг савобига эришиш ва охирада етадиган мусибатлардан омонда бўлиши, Аллоҳ таолонинг раҳмат соясидан жой олиш ва жаннатга кириши учун восита бўлади. Ҳадисда бу ҳақда қуйидагича келтирилади:

نَا كَ نَ م ي ف نَا كَ اَلْجَرَّ ن ا م لسو وه يلع هلل اى لص هلل ل و س ر ل ا ق ل ا ق ة ف ي ذ ح ن ع
ل ي ق ، م ل ع ا م ل ا ق ر ي خ ن م ت ل م ع ل ه ل ل ي ق ف ه ح و ر ص ب ق ي ل ك ل م ل ا ه ا ت ا م ك ل ب ق
، م ه ي ز ا ج ا و ا ي ن د ل ا ي س ا ن ل ل ا ع ي ا ب ا ت ن ك ي ن ا ر ي ع ا ي ي ش م ل ع ا م ل ا ق . ر ط ن ا ة ل
ة ن ج ل ا ة ل ل ا ة ل ح د ا ف . ر س ع م ل ل ا ن ع ز و ا ج ت ا و ، ر س و م ل ل ا ر ط ن ا ف

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Сизлардан аввал ўтган уммат ичида бир киши бўлиб, унинг
ҳузурига жонини олиш учун ўлим фариштаси келди. Шунда унга
бирор яхшилик қилганмисан, дейилди. У билмайман, деди. Унга
яхшилаб ўйлаб кўрчи, дейилди. У мен бирор бир яхшилик
қилганимни билмайман, лекин дунёда одамлар билан олди-сотди**

қилганимда бой одамга қараб қарзини кечиктирар, йўқсилдан эса кечиб юбориб уларга эҳсон қилардим, деди. (Унинг бу иши Аллоҳ таолога маъқул келиб) Уни жаннатга киргизди”, дедилар” (Муттафақун алайҳ).

نَاكَّوَسَّانِلَانِيَأْدِيْلُجَرَكَالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّيَّبَّالْأَنَازِيْرُهُبِأَنَع
يَقْلَفْأَنَعُزَوَاجَتِيْإِلَّعَلَّالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّيَّبَّالْأَنَازِيْرُهُبِأَنَع
يَقْلَفْأَنَعُزَوَاجَتِيْإِلَّعَلَّالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّيَّبَّالْأَنَازِيْرُهُبِأَنَع

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Бир киши одамлар билан қарз олди-берди муомалаларини қилар ва йўқсил одамнинг қийналишини кўрса, ўзининг қўл остидаги йигитга: “Қарзни сўраб йўқсил одам олдига борсанг, ундан кечиб юбор. Шояд Аллоҳ таоло бизлардан ҳам (гуноҳларимизни) кечиб юборса”, дерди. У вафот этиб Аллоҳ таолога рўбарў бўлгач, Аллоҳ ҳам ундан кечиб юборди”, дедилар” (Насоий ривояти).

مَلَسُوْهُيْلَعِهَلَلِإِلَّصَّ - هَلَلِالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّ - هَلَلِالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّ - هَلَلِالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّ
وَأَرْسَعُمْ نَعُ سَفْنُيْلَفْءَمَاقِلْإِمْوَيَّبَرْكَ نَمُ هَلَلِالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّ : لَوْقِيْ -
مَلَسْمَ هَاوْرُهُنَّعُغَضَّيْ

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

“Кимни Аллоҳ таоло қиёмат кунинг машаққатларидан нажот бериши хурсанд қилса, ҳеч вақоси йўқ ёки танг ҳолатдаги инсонга берган қарзини муҳлатини узайтирсин ёки кечиб юборсин”, деяётганларини эшитдим” (Муслим ривояти).

وَأَرْسَعُمْ رَظْنَأَنَمَ " : مَلَسُوْهُيْلَعِهَلَلِإِلَّصَّ هَلَلِالْأَقْمَسَوَهَيَّعُةَلَلِإِلَّصَّ : لَوْقِيْ
هَشْرَعْلَظِيْ هَلَلِإِلَّصَّ هَلَلِإِلَّصَّ هَلَلِإِلَّصَّ

Абу Юср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким танг ҳолатда қолган кишига қарз муҳлатини чўзиб берса, ёки уни кечиб юборса, Аллоҳ таоло қиёматда Ўз арши соясида соялантиради”, дедилар” (Абу Шайба ривояти)

Расулуллоҳдан эшитмаган бўлсам иккала қулоғим кар бўлсин”, дедилар” (Байҳақий, Аҳмад ривояти).

РИЗҚ БАРАКАЛИ ЭКАНИНИНГ БЕЛГИСИ

Ризқ баракали эканини белгиси шуки, у сабабли инсонда қаноат, шукр, ва сабр пайдо бўлади ҳамда яхши амалларга тавфиқ насиб этади.

هه لعل هلل اىلص هلل لوسرءاآ : لاق مېلس ىن ب نم ، رسب نب هلل دبع نع
(1) ماجلب ذأف ىبأ ااق ااق ام لف ، ام اعط هه لى مدقف ، هه لعل لزن ف ىل اىل ملسو
، مهل رفعاو ، مهتقزر امي ف مهل كراب مهل لل « : لاق ف ، ىل هلل اعدا : لاق ف هتباد
مه م ح راو

Бани Салимлик Абдуллоҳ ибн Бусрдан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отам ҳузурига келдилар. Отам у зотга таом келтирдилар. У зот (таомланиб бўлгач) ўрниларидан турган эдилар, отам ҳам ўрнидан туриб, У зотнинг уловини жуганидан ушлаб: “Мен учун Аллоҳга дуо қилсангиз”, деди. Шунда У зот: “Эй Аллоҳим! Уларга ризқ қилиб берган нарсаларингда барака бергин, уларни мағфират қилгин ва уларга раҳим қилгин!”, дедилар”.

Бу ҳадиснинг шарҳида Мулла Али Қори роҳматуллоҳи алайҳ: “Бараканинг аломати қаноат, тоат ва ибодатларга муваффақ бўлишдир”, деганлар” (Мирқотул мафотих китоби).

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АБДУЛБОҚИЙ АНСОРИЙ КАЪБИЙ РОҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ ҚИССАСИ

Қимматбаҳо тақинчоқ топиб олиб, эгасига қайтариб берган, сўнг тақинчоқ эгасининг қизига уйланиган ва вақтлар ўтиб аёли вафот этгач меросида ўша тақинчоққа эга бўлган зотдир.

Қози Муҳаммад ибн Абдулбоқий роҳматуллоҳи алайҳ айтади:

“Мен Маккага яқин жойда турар эдим. Бир бор қаттиқ оч қолдим. Очликни аритиш учун менда ҳеч нарса йўқ эди. Ўша вақтларда ипак ҳалтача топиб олдим. Унинг оғзи ипак боғич билан боғланган эди. Уйга келиб уни очган эдим, ичида қимматбаҳо тақинчоқ бор эди. Бунақасини хечам кўрмаган эдим. Уйимдан чиқдим. Бир киши ўша тақинчоқ ҳақида эълон қилаётган экан. Қўлида 500 дийнор солинган бир ҳалтача бўлиб, ҳалтачани топиб, қайтариб берганга бераман, деб турган экан. Мен эса оч ва муҳтож эдим.

Тиллани олиб, тақинчоқ солинган ҳалтачасини қайтариб бермоқчи бўлдим ва олдимга келинчи, дедим. У менга тақинчоқ солинган ҳалтачани сифатлаб, ундаги тошлар сонини айтиб берувди, ҳалтачани унга топширдим. У менга 500 динар берди. Мен эса олмасдан, уни сизга қайтариб бериш менга вожибдир, эвазига нарса олишим яхшимас, дедим. Кейинчалик Маккадан кетдим. Кемага миндим. Кема ҳалокатга учраб одамлар фарқ бўлишди. Мен кеманинг бир парчасини устида жон сақлаб, саломат қолдим. Ёғоч парчаси мени оқизиб, одамлар яшайдиган бир оролга олиб келди. У ердаги масжидлардан бирига бориб қўним топдим. Тинмай Қуръон ўқирдим. Қироатимни эшитган одамлар менга ҳам Қуръон ўргатсангиз, деб олдимга кела бошлашди. Шу орқали куним ҳам ўтар, ризқим ҳам етар эди. Одамлар мендан ўқиш ёзишни ҳам биласизми, деб сўрашган эди, мен ҳа, деб жавоб бердим. Натижада уларнинг болаларига ҳам ўқиш, ёзишдан сабоқ бера бошладим.

Кейинчалик улар менга мол дунёси кўп бир етим қизга уйланиш таклифини килишди. Мен кўнмадим. Улар қаттиқ туриб олишгач мен рози бўлдим. Никоҳдан кейин қизнинг қариндошлари билан бир хонада ўтирган эдик, қарасам қизнинг бўйнида ўша мен Маккада топиб олган тақинчоқ шодалари турар эди. Ёнимдагилар мени тақинчоққа ажабланиб қаттиқ тикилиб қолганимни кўриб, “Эй шайх, сиз қизнинг жамолига қарамай тақинчоғига қараб қизнинг қалбига озор бердингиз”, дейишди. Мен эса уларга бу тақинчоқ қиссасини айтиб бердим. Одамлар баланд овозда такбир айтиб юборишди. Уларга бунча қичқирмасангиз, сизларга нима бўлди, десам, улар сиздан бу тақинчоқни қайтариб олган киши бу қизнинг отаси эди. У доим “Аллоҳим, уни мен билан учраштирсангу, мен унга қизимни никоҳлаб берсам”, деб дуо қилар эди. Унинг бу дуоси қабул бўлган экан дейишди.

Мен у аёлдан икки ўғил кўрганимда у аёл вафот этди. Кейинчалик иккала ўғлим ҳам вафот этгач тақинчоқ менга мерос бўлиб қолди. Мен уни 100 000 динарга сотдим.

Шайх Абдулбоқий бу ривоятни қисса қилиб берар экан, атрофдагиларга “Сизлар кўриб турган бу барча мол дунёим ўша тақинчоқдан қолганидир”, де.

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН ИККИНЧИ СИФАТИ

Агар бирор сабаб билан харидор олган молини қайтариб келса ва байни бекор қилишини сўраса, савдогар унга хушмуомалали билан пулини қайтариб бериши ўзи учун яхшидир. Зеро, билсинки, уни бу ишидан гуноҳлари кечирилади.

أَمْ لَسُمْ لَأَقْأَنْمَ : مَلَسَوِ هِيَلَعِ هَلَلِ لَأَصْرَهَلَلِ لَأُسْرَرَلَأَق : لَأَق ، ةَرِيْرُهَ يَبَأَنْع ،
ةَمَأَيَقَلَلِ مَوِيْ هَتَرْتَعُ هَلَلِ لَأَقْأ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким олган нарсасини қайтариб беришни хоҳлаб, савдони бузишни айтса, сотувчи бунга рози бўлса, Аллоҳ таоло қиёматда у(сотувчи) нинг гуноҳини кечиради” дедилар” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН УЧИНЧИ СИФАТИ

Савдогар бировнинг ҳаққини яхши йўл билан яъни вақтида ва чиройли йўл билан адо қилиши лозим. Ҳозирги диндан беҳабар тожирлар сингари қодир бўла туриб пайсалга солиб, чўзиб юрмайди, охири бориб ҳақдор ўз ҳаққини кечиб юборишга мажбур бўлади. Чунки чиройли адо қилиш Исломининг буйриғидир. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай дейилади:

هِيَلَعِ هَلَلِ لَأَصْرَهَلَلِ لَأُسْرَرِ يَضَاقَتَ الْجَرَّ نَأ ، هُنَّ عُهُلَلِ لَأَيَضَر ، ةَرِيْرُهَ يَبَأَنْع
هُلْ أَوْرَتَشْأَوَّالَأَقْمَقَّخَلَلِ بَحَاصِلْ نَأْفُ هُوَعَدَلَأَقْفُ هُبَأَخْصَأُ مَهَفْ هَلْ طَلَعَأْفُ مَلَسَو
نَأْفُ هَأَيِ هُوَطْعَأْفُ هُوْرَتَشْأَلَأَقْمَوْنَسْ نَمَلَضَفْأَلِ إِيْجَنَ الِ أَوْلَأَقْوُ هَأَيِ هُوَطْعَأْفُ أَرِيْغَب
ءَأَضَقْ مَكُنَّ سَحَأْفُ مَكْرِيْخ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига У зот қарз олган туяларини сўраб келди. Қарзни сўрашда қўполлик билан муомала қилди. Саҳобийларни бундан қаттиқ жаҳллари чиқди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қўйинглар, гапирсин. Чунки у буни ҳаққи. У буни гапиришга ихтиёрли. Бир туя сотиб олиб унга беринглар”, дедилар. Сўнгра саҳобийлар у туянинг ёшидек туя йўқлиги, балки ундан каттароғи борлигини айтишди. (Уни берган туяси кичкина бўлиб, арзонроқ эди, улар топганлари эса яхшироқ ҳамда каттароқ эди). Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Топган туяларингизни сотиб олиб унга беринглар. Шунинг

билингларки, сизларнинг яхшиларингиз қарзни чиройли тарзда адо қилганларингиздир”, дедилар” (Муттафақун алайҳ).

Қолаверса, қарзни адо қилишга қодир бўла туриб уни пайсалга солишлик зулмдир.

عَمُّ طَيِّبٍ نَعْلُ طَمَّ لَاق ، مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لَاصِرَةً لَلْأُسْرَى ، عَزَّيْرُهُ بَابُ نَع

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Бойнинг (беришга қодир бўла туриб) кечиктириши зулмдир”, дедилар” (Байҳақий ривояти).

XX аср мужаддиди, улуғ аллома, Ҳакиймул-уммат мавлоно Ашроф Али Таҳонавий роҳматуллоҳи алайҳ “Бировнинг ҳаққига зулм қилганларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилмас” мавзусида ўзларининг бошидан ўтган қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берадилар:

“Мен одатда бомдод намозидан кейин тафсир илми билан машғул бўлардим. Бу борада “Баёнул-Қуръон” номли тафсир китобини ёзишга киришган эдим. Бир куни аҳли аёлим эрталабда қаергадир бориб келиш ижозатини олдида, эрталаб саккизда товуқларга озуқасини бериб қўйишимни ёдимга солди. Мен: “Хўп”, деб, ўз ишим билан овора бўлибман. Бироз ўтиб китоб ёзиш асносида ҳаёлимга келиб турган фикрларни қоғозга тушура олмай қийналдим. Ҳудди билган нарсаларим йўқ бўлиб қолгандай.

Тафсир ишида фикр келмай қолгач, шояд бошқа ишга киришиб кетсам фикрлар очилиб кетар, деган ҳаёлда халқдан келган саволларга ёзма жавоб беришга киришдим, таажжуб, бунда ҳам саволларга жавоб беришда, биламан, деб ўйлаган нарсаларимни қоғозга туширишга қийналдим. Гўёки фикрларимни бир қора булут тўсиб тургандай.

Қўрқиб кетдим. Ўзимга-ўзим: “Наҳот мен учун Аллоҳнинг раҳмат эшиклари ёпилиб қолган бўлса, нима хатога йўл қўйдим экан?!” дедим.

Шу пайт ич-ичимдан: “Сен Аллоҳнинг махлуқига зулм қиласану, яна Аллоҳнинг раҳматидан умид қиласанми?”, деган фикр келди.

Астағфируллоҳ, дарҳол ўрнимдан турдим, товуқхонага бориб товуқларнинг озуқасини бердим, Роббимга истиғфорлар айтиб, тавба қилдим.

“Эй Роббим, Мен ожиз бандангни билмай қилган хатосини Ўзинг афв эт!”.

Хонамга кирдим, Бисмиллаҳ деб қаламни ушладим. Алҳамдулиллаҳ, фикрлар ёмғир мисоли ёғилиб келарди. Бояги булутдан эса асар ҳам йўқ эди”.

Энди ойлаб, йиллаб бировнинг ҳаққига зулм қилганлар қандай қилиб топган нарсаларини, мол-мулкларини Аллоҳнинг раҳмати, инъоми, деб билиши мумкин.

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар Аллоҳ таоло тарафидан берилган бойликни истидрож бўлиб қолмадимикин деган хавфда бўлиши лозим. Аллоҳ таоло кофирлар ҳақида:

Истидрожнинг асл маъноси даражама-даража дўзах табақаларининг пастига тушуришдир.

نَوْمٌ لَّغِيٍّ أَلْ تُثِيحُ نَوْمٌ مُّجْرَدٌ سَنَسَ أَنْ تَأْيَأَبَ أَوْ بَدَّكَ نِيْدَلْ أَوْ

“Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса, улар билмайдиган томондан аста-секин оламиз” (Аъроф 182 оят).

مَهِيْلَعِ هَلَلَا دَجَامَلَكْفِ ، يَغْلَا يِفْ مَهْكَامَهِنْ عَمْ مَهِيْلَعِ مَعْنِ هَلَلَا رَتَاوِي أَنْ كَلْذِ مَعْنِ هَلَلَا فِدَارْتِ بَبَسْبِ يَصَاعَمَلَا يِفْ نَوْجَرْدَتِيْ فِ يَصَعَمْ أَوْ دَجْوَارْتَبِ أَوْ دَاذَا مَعْنِ دِيْعَبْتَوْ هَنْ نَالْذَخِ وَهْ أَمِنْ أَوْ بِيْرَقْتَوْ يَلَاعَتِ هَلَلَا نَمْ هَرْتَأْ مَعْنِ هَلَلَا فِدَارْتِ أَنْ نِيْنَاظِ عَجْرَدِ دَعْبِ عَجْرَدِ لَازَنْتَسَالَا وَأَدَاعَصْتَسَالَا يَنْعَمَبِ عَجْرَدَلَا نَمْ لَاعَفْتَسَا وَهْ ،

“Аллоҳ бандаларни истидрож қилиши улар туғёнга кетсаларда уларга неъматларни кетма-кет ёғдириши билан бўлади. Қачонки Аллоҳ таоло уларга янги-янги неъматларни ёғдирса, улар шунчалар туғёнларида зиёда бўлиб бораверадилар. Ҳаттоки, неъматлар берилаверганидан Аллоҳ бизларни яхши кўради деган ҳаёлга борадилар. Лекин аслида бу неъматларни берилиши уларни охиратдаги насибаларидан маҳрум қилиш ва ўзидан йироқ қилишдир” (Тафсири Насафий).

Аслида бойлик Аллоҳ таолонинг фазли бўлиб, Унинг розилигини топиш, банданинг охиратдаги улуғ мартабаларга эришишига сабабчидир.

نَوْلَصِيْوِيْلَصْنِ رُوْتَدَلَا بَا حَصْأ رُوْجْ أَلَا بَبَهْذِ هَلَلَا لَوْ سَرَايِ لَاقِ هَنْ أَرْذِيْ بَأَنْعِ لَاقِ قَدْ صَتَنْ أَمِنْ لَسِيْلَوْ أَوْ نَوْ قَدْ صَتِيْ فِ لَأَوْ مَأْ لَوْ صَفْ مَهْلَوْ مَوْ مَوْ صِيْوِيْلَصْنِ

“Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар” (Анъом 44 оят).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СИФАТИ

Агар мусулмон савдогар қарз олишга эҳтиёж сезса, уни қайтариб бериш ниятида қарз олмоғи ва тинмай адо қилишга ҳаракат қилиши лозим. Зеро унутмасиники Аллоҳ таоло уни нияти ва ҳаракатидан қарзини адосини йўлларини пайдо қилади. Бу ҳақда:

لَاؤْمًا ذَا نَمٍّ لِّأَقْمَلَسَ وَهُوَ لَعَلَّ لِيَصَّيَّبَ لَنَا نِعْمَةً لِّلَّهِ يَصْرُوهَ رِيَابًا نَعِيهِ لَعَلَّ هَفَلَّتْ أَهْفَالَتَا دِيْرِ ذَا نَمٍّ وَهَنَ لَلَّيْدَا أَهْدَادِيْرِ سَانَلَلَّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким инсонлардан адо қилиш ниятида мол олса, Аллоҳ таоло унни томонидан адо қилади, (яъни Аллоҳ таоло унга бу дунёда қарзини узишга ёрдам беради ёки охиратда ҳақ эгасини рози қилдиради). Кимки инсонларнинг молини зоя қилиш ниятида қарз олса, Аллоҳ таоло унинг молини зоя қилади (яъни ихтиёж ва заруратсиз бирортасидан қарз олиб, қайтаришни ният қилмаса, Аллоҳ таоло унинг молини зоя қилади)”, дедилар” (Бухорий ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар бировга бериш керак бўлган қарзини зиммасида қолдирмаслиги даркор. Чунки, қарздорнинг руҳи қарз сабабли муаллақ бўлиб туради ва яхши амаллар билан ҳам қарз соқит бўлмайди.

هَلَّلَا لِيَبْسِي فِتْلَتِقْ نِي تِي أَرَأَى هَلَّلَا لَوْ سَرَّ أَي لَجْر لِق لِق اِقْ اِدَاتِقْ يِبْ أ نَع ، « مَعْن » : لِق فِ ؟ أَي اِطْخِ ي نَع هَلَّلَا رِفْ كِي ، رِبْدَم رِي غَالِبِقْم ، اِبْسَتْ حَم اِرْبَاص لِي رِبْج لِق كَلْذِكْ ، نِي دَلَّ اِلْ اِمْعَن لِق فِ هَادَانَ رِبْدَا اِمْلَفْ

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бир киши “Эй Расулуллоҳ менга айтингчи: “Аллоҳнинг йўлида, жангдан қочмасдан, душманга юзланган ҳолатда, сабр қилиб, савоб умидида шаҳид бўлсам, Аллоҳ таоло мендаги гуноҳларни кечирадими?”, деди. У зот “Ҳа”, дедилар. Сўнг сўраган одам ортига

“Акам вафот этгач ундан уч юз дийнор ва ёш болалари қолди. Мен уларга сарфламоқчи бўлгандим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: “Аканг қарзи сабабли (Барзах оламида) махбус бўлиб турибди. (Шу сабабдан у солиҳлар суҳбатидан маҳрум бўлмоқда). Шунинг учун сен акангни қарзини адо қил”, дедилар”.

Саъд розияллоҳу анҳу айтади: “Мен уйга бориб акамни қарзларини тўладим. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб: “Эй, Расулуллоҳ, мен акамни қарзларини адо қилдим, унда ҳеч кимни ҳаққи қолмади, фақат қарз берганига ҳужжати йўқ бир аёл икки дийнор талаб қияпти”, дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Унга икки дийнор бер, у рост гапиряпти”, дедилар” (Аҳмад ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар агар тижоратда биров билан шерикликчилик қилса, шеригига доимо хайрихоҳ бўлмоғи, унга кўпроқ фойда келтириш ҳаракатида бўлмоғи лозим. Чунки савдогарлар бир-бирлари билан шерикчилик қилиш аҳдини тузишса Аллоҳ таоло улар билан бўлади. Шундай экан мусулмон тожир Аллоҳ таоло уларнинг тижоратида шерик эканлигини ўзига саодат деб билиб, дунёвий нарсани деб Аллоҳнинг шериклигидан маҳрум бўлишликни ўзига мусибат деб билиши лозим. Бунинг учун эса шеригига хиёнат қилмаслик ва уни алдамаслик лозимдир. Зеро, ҳадисда шундай марҳамат қилинади:

نخى مل ام نىكيشل لثلاث ان لوقى لىلعات هللا ن لاق هع فر ىره بى ن ع
امه نى ب ن م تجرخ ه ناخ اذ ا ف ه ب ح اص ام ه د ح ا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ таоло шундай деди: “Модомики икки шерик бир-бирига хиёнат қилмас экан, Мен уларнинг учинчиси бўламан (яъни уларнинг барча ишига Ўзим мададкор ва ҳимоячи бўламан). Агар хиёнат қилса, Мен уларнинг орасидан чиқаман” (Абу Довуд ривояти).

Имом Разин бунга **“(Аллоҳ уларнинг орасидан чиққач) Шайтон уларнинг орасига киради”**, деган сўзларни зиёда қилган.

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар доимо диёнатдорлигини сақлаб, ёлғончи ва хиёнаткорларга ҳам ёлғон ва хиёнат билан жавоб қайтармаслиги лозим. Чунки ёмонлар билан ҳам яхши муомалада бўлиш юксак ахлоқ, олийжаноблик ва шариат ҳукмидир. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай кўрсатмалар бор:

نَمَّ عَلَى الْعَامَّةِ إِذَا مَلَ سَوْهٍ لَعَلَّ يَصِلُ إِلَى الْوَسْرَةِ لَأَقْلَقَ رِيَّهَ بِأَنْعَ
كَانَ أَخْنَمُ نَحْتِ الْوَكْنَمِ تَائًا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Сизга омонат берган одамларнинг омонатини қайтаринглар, сизга хиёнат қилган одамга сиз хиёнат қилманг” деганлар” (Термизий ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАР ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар тижорат молини ҳали қўлига олмай туриб бошқага сотмаслиги лозим. Чунки, молни қўлга олишдан аввал сотиш ва ундан фойдаланиш шаръан ҳаромдир.

يَدْنَعُ سَيْلَ امِ عَيْبِ أَنْ هَلَّ لِوَسْرِي نَاهِنَ : لَأَقْلَقَ مَازِحَ نَبِيَّ كَيْحَ نَع

Ҳаким ибн Ҳузум розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлимда бўлмаган нарсани сотишимдан қайтардилар” (Насоий ривояти).

هَرِيغَ نَمَّ الْوَعَائِبِ لِمَنْ زَوْجِي الضَّبَقِ لِبَقِ عَيْبِ مَلَا عَيْبِ نَا

“Савдо молини қўлга олиб, ўзиники қилиб олмай туриб сотувчига ҳам бошқасига ҳам сотиш жоиз бўлмайди” (Мабсут китоби).

هَلَّ عَلَى الْعَامَّةِ إِذَا مَلَ سَوْهٍ لَعَلَّ يَصِلُ إِلَى الْوَسْرَةِ لَأَقْلَقَ رِيَّهَ بِأَنْعَ
بَسْحِ الْوَعَائِبِ لِمَنْ زَوْجِي الضَّبَقِ لِبَقِ عَيْبِ مَلَا عَيْبِ نَا مَاعِطَلَا وَهَفَمَّ لَسَوَّ
هَلَّ ثَمَّ الْإِشْكَ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган нарса таом бўлиб, уни қўлга олмасдан олдин сотиш мумкин эмас”. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу яна шундай қўшимча қилдилар: **“Бошқа**

нарсаларни ҳам таом каби деб биламан” (Муттафақун алайҳ).

لَا قَوْلَ لِمَنْ سَوَّاهُ لَعَلَّ يَصْرِفُ لِحَالِ لَوْلَا لَوْ سَرَّ أَنْ أُمَّهَ نَعَّ لَوْلَا لِي ضَرَّ ، رَمَعْنَا نَبَّهَ لَوْلَا لِدَبَّ عَنَّا
: هَيْفَ وَتَسَيَّيْتُ حُوعِي بَبَيَّ أَلْفَ أَمَاعَ طَاعَاتُ بِنَام :

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким таом сотиб олса, уни тўлиқ қўлга киритмай туриб сотмасин” дедилар. Ибн Аббос розияллоху анхунинг бошқа бир ривоятида: “Ўлчаб олмагунича” дейилган” (Муттафақун алайҳ).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЙИГИРМАНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар ночор кишининг ночорлигидан фойдаланиб қолишга уринмаслиги лозим.

Мизҳар ибн Абдулмалик роҳматуллоҳи алайҳ айтади:

“Бир киши Абу Ҳанийфа роҳматуллоҳи алайҳ ҳузурига кийимлик материал олиб келиб у зотга сотмоқчи бўлди. У зот эса баҳосини сўради. Сотмоқчи бўлган одам: “Минг дирҳам” деди. У зот эса: “Бу ундан қиммат туради”, деб, охирида саккиз минг дирҳамга сотиб олди”.

Яна бир ривоятда

Бир аёл Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг олдига ипак матони олиб келиб: “Менинг бу матоимни ҳам соттириб берсангиз”, деди. Имом Абу Ҳанифа унинг нархини сўради. У: “Юз дирҳам”, деб жавоб берди. У зот эса: “Бу у нархдан қиммат туради”, деди. Аёл: “Икки юз дирҳам”, деди. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ: “Бу у нархдан қимматроқ”, деди. Аёл ҳайрон бўлиб турганида Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ: “Беш юз дирҳамдан кам эмаслигини” айтди. Бояги аёл: “Сиз мени мазах қиляпсиз чоғи”, деди. У зот ўша заҳоти аёлга беш юз дирҳам бериб, матони ўзи билан олиб қолди.

Ҳозирда эса одамлар қарз сўраб эшик қоққандан ҳам унумли фойдаланиш пайида бўладилар. Яъни, қарз бериб, ундан икки йўл билан фойда олишга ҳаракат қиладилар:

Биринчиси, қарз олувчига қарз бериш ўрнига сенга бирор нарсамни қимматга сотаман, сен эса менга арзон нархда сотиб пулини ишлатаверасан, дейди;

Иккинчиси эса, қарз сўровчининг муҳтожлигидан фойдаланиб сенга қарз керак бўлса бирор нарсангни сот, деб унинг қимматроқ нарсасини арзон нархга сотиб олади.

Бу иккала сурат ҳам ножоиз ва ҳаром саналади.

الْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ
السُّيْلِ الْمَغْبِيِّ وَالْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ الْمَلْسُومِ
كَدْنَع

Амр ибн Шуайб розияллоҳу анҳу отасидан, отаси эса бобосидан шундай ривоят қилади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бай билан бирга бўлган қарз (фалон нарсангни менга сотсанг ёки мендан фалон нарсани сотиб олсанг қарз бераман, дейиш) ҳалол эмас. Байда иккита нарсани шарт қилиш, талофат етса тўлашни зиммасига олмаган нарсанинг фойдаси, ҳузурида бўлмаган нарсани сотиш ҳалол бўлмайди” (Термизий ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар молининг айбини яширмай: “Бу молнинг фалон, фалон айби бор”, деб, очиқ-ойдин айтиши лозим. Чунки мусулмон тожир савдо молининг айбини яшириши Аллоҳнинг лаънати ва ғазабига сабаб бўлади. Ҳадисда бу ҳақида шундай дейилади:

هَلْ لَكَ فِي الْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ
هَتَكُنَّ الْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ وَالْمَلْسُومِ
هَنْعَلَت

Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

“Ким айбли нарсани сотиб, айби борлигидан олувчини хабардор қилмаса, доим Аллоҳнинг ғазабида бўлади ёки фаришталар тўхтовсиз унга лаънат айтадилар”, деяётганларини эшитдим” (Ибн Можа ривояти).

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар ваъдасига вафодор бўлиши лозим. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда **“Аҳдга вафо қилингалар”**, деган. Шунингдек, ҳадисларда ҳам ваъдага хилоф қилиш мунофиқлик аломати эканлиги айтилиб, бу ишдан тийилишга чақирилган:

إِذَا تَقَفْنَا نُمُؤَلَاةَآ : لَاق ملسو و هيلع هللا ىلصَّيْبَّن ل ل نَع ، ةَزِيْرُه يَبْأ نَع
نَاحَن مُتُوَا إِو ، فَ لَخْ أَدَعُوَا إِو ، بَدَكَ تَدَح

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Мунофиқнинг аломати учта: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, ваъдасига хилоф қилади ва унга омонат топширилса, омонатга хиёнат қилади”, дедилар” (Мишкот ул-масобийҳ)

Мусулмон савдогар ўз ақидасини мустаҳкам тарзда яъни “Менинг барча зарурий ҳожатларим: емоқ, ичмоқ, кийим-кечак кабиларни тижорат тўлдирмаяпти, балки тижорат қилиш асносида шаръий қонун қоидаларга тўла амал қилганим сабабидан Аллоҳ таоло барча заруратимни раво айлаяпти”, дейдиган бўлиши лозим.

МУСУЛМОН САВДОГАРНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ СИФАТИ

Мусулмон савдогар савдо ишларини дин ишларидан муқаддам қўймаслиги лозим. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилган:

نُوفَاحَ ية الكُزلا ءات ية ءو ءال ص ل ل م ا ق ءو ءل ل ر ك د ن ع ء غ ي ب ال و ء ر ا ج ت م ه ي ء ل ت ال ل ا ح ر
ن م م ء د ي ز ي و ا و ل م ع ا م ن س ح ا ء ل ل ا م ء ي ز ج ي ل ر ا ص ب ا ل ا و ب و ل ق و ل ا ه ي ف ب ل ق ت ا م و ي
ب ا س ح ر ي غ ب ء ا ش ي ن م ق ز ر ي ء ل ل ا و ه ل ص ف

“Бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган кундан қўрқарлар. Аллоҳ уларни қилган амалларининг энг гўзали ила мукофотлаши ва фазли карамидан зиёда қилиб бериши учундир. Аллоҳ хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур” (Нур 37-38 оятлар).

Набий соллalloҳу алайҳи васаллам ўзларининг мборак ҳадисларида шундай деганлар:

ل ل ا ل خ ل ل ب س ك ب ل ط : « - م ل س و ه ي ل ع هللا ىل ص - ء ل ل ل ا ل و س ر ل ا ق ل ا ق ء ل ل ل ا د ب ع ن ع
ة ي ر ف ل ا د ع ب ء ي ر ف . »

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳалол касб талаб қилиш фарздан кейин фарздир” дедилар”
(Байҳақий ривояти).

Ризқ талабида бўлиш фарз, лекин у инсоннинг аслий мақсади эмас, балки бир заруратдир. Шунингдек, инсонга ризқ талабида бўлишга ижозат берилган, ҳатто бу нарсага тарғиб этилган ва таъкидланган ҳамдир. Лекин инсон ҳаётининг асл мақсади эса Аллоҳ таолога бандалиқдир, У билан боғланиш ва Унинг розилигини топишдир. Шунинг учун ризқ талаб қиламан деб, Аллоҳнинг ибодатини тарк қилиш жоиз эмас ва биринчи даражали ибодатлар билан ризқ талаби тўқнаш келганида, биринчи даражадаги фарзларни муқаддам қўймоқ керак. Баъзи кишилар ҳалол ризқ талабининг ибодат эканини билганларидан сўнг ифрот ва тафритга (ҳаддан ошиш ёки нуқсонга йўл қўйиш) йўл қўйишади ва уларга намоз, рўза ҳақида гапирилса, «Биз ҳам ибодатдамиз, бизнинг қилаётган ишимиз ҳам улкан ибодат», дейишади. Тўғри, у ҳам ибодат, лекин иккинчи даражадаги ибодат. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳалол ризқ талаб қилиш фарздан кейинги даражадаги фарздир», демоқдалар.

ТЕМИРЧИНИНГ ҚИССАСИ

Дадам Муҳаммад Шафеъ Усманийнинг бир ҳикояси бор эди. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳи етук фақиҳ, муҳаддис ва Аллоҳнинг дўсти эди. Аллоҳ таоло у кишига баланд мартаба ато қилган эди. Вафот топганида бир киши тушида у зотни кўрди ва: «Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?» деб сўради. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳи «Аллоҳ таоло мени мағфират қилди, фазлига олиб, улкан марҳамат кўрсатди, лекин менга уйимнинг рўпарасидаги темирчига берилган мақом насиб бўлмади», деди. Киши уйқудан уйғонди, дилида темирчининг кимлиги ва қандай қилиб Абдуллоҳ ибн Муборакка берилмаган нарса унга берилганлигини ўйлаб қолди ва Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳининг маҳалласига борди.

Суриштириб кўрса, ҳақиқатда у кишининг уйининг рўпарасида бир темирчи бўлиб, у ҳам вафот топган экан. Бориб, темирчининг хотинидан: «Эрингиз нима қилар эди?» деб сўради ва тушида кўрганларини айтиб берди. Аёл: «Эрим темирчи эди, кун бўйи ишлар, кечаси эса ухларди.

Кечаси Абдуллоҳ ибн Муборакнинг таҳажжуд ўқишига ҳаваси келиб, ҳасрат қилиб, «Биз ҳам кенгчиликда бўлганимизда, мен ҳам туни билан таҳажжуд ўқир эдим», дер эди. Иккинчиси – у ишлаётганида қулоғига азон товуши кирса, мабодо болғасини тепага кўтарган бўлса, шуни уриб қўяйин, демасди. Ўша заҳоти болғасини пастга туширар ва «Азонни эшитганимдан кейин менга болғани ушлаб туриш ярашмайди», дер эди ва масжигга қараб кетар эди», деди. Туш кўрган киши: «Абдуллоҳ ибн Муборакдан ҳам мартабасининг юқори бўлишига шу нарса сабаб бўлган экан», деди. Эътибор беринг, темирчи ҳам ҳалол ризқ талабида эди. Азон эшитилиб, биринчи даражадаги фарз билан иккинчи даражадаги фарз тўқнаш келган эди, биринчи даражадагисини устун қўйди ва Аллоҳ буюк муҳаддисларга бермаган мақомга эришди.

НИҲОЯТДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ДУО

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни ризқ талабига тарғиб қилар эканлар, шу билан бирга бу нарса бизнинг ҳаётимизнинг аслий мақсади, рағбатимизнинг интиҳоси бўлмаслиги кераклиғи ҳам ўргатдилар.

الو، اَنْمَّه رَبُّكَ اَيُّنَدَلَا لِعَجْتِ اَلْمَلَلَا "مَلَسُو هِيْلَعِ لَلْا يِلْصُ لَوْسِرْلَا اءَد نَم
يَذْمِرْتَلَا هَاوِر "اَنْتَبَغْرَةَ اِيَاغِ الْاْو اَنْمَلْعِ غَلْبَم

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз дуоларида: «Аллоҳим, дунёни ташвишимизнинг энг каттаси, илмимизнинг етиб борган жойи ва рағбатимизнинг барчаси қилиб қўймагин!» дедилар».

Хулоса қиладиган бўлсак, бу ҳадисдан уч нарса маълум бўлади.

1. Ҳалол ризқ талаб қилиш диннинг бир бўлагидир.
2. Талабимиз ҳалолдан бўлсин ва ҳаромдан сақланайлик.
3. Ризқ талаб қилишнинг ўрнини билайлик. У олий мақсадимиз бўлиб қолмасин.

Абдуманнон Абдуллоҳ